

Халқ сўзи



1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

E-mail: Info@xs.uz

2012 йил 8 март, № 48 (5468)

Пайшанба

ЎЗБЕКИСТОН ХОТИН-ҚИЗЛАРИГА БАЙРАМ ТАБРИГИ

Муҳтарам онахонлар! Қадрили опа-сингиллар, дилбар қизларим!

Ўзбекистон хотин-қизларининг 8 март байрами билан қизгин табриклар, сизларга ўзимнинг самимий туйғу ва тилакларимни изхор этишдан бахтиёрман.

Барчамизга аёни, оналарни, аёл зотини эъозлаш эл-юртимиз учун азал-азалдан эзгу қадрият бўлиб келган. Бунинг тасдиғини тарихимизда, ҳаётимизда, мумтоз адабиётимизда қўллаб мисолларда яққол кўриш, кузатиш мумкин.

Бу ҳақда сўз юритар эканмиз, буюк мутафаккир бобомиз Алишер Навоийнинг "Аёллар — фаршталарнинг опа-сингилларидир" деган сўзлари замирида нақадар чуқур ҳаётини фалсафа мужассам эканини англаш қийин эмас, деб ўйлайман.

Биз меҳр-муҳаббат ва одамийликнинг илк сабоқларини азиз оналаримиздан, уларнинг бешигимиз узра парвона бўлиб айтган ахлақларидан оламиз. Қалбимизда неки олижаноб туйғулар бўлса, уларнинг барчаси, аввало, оналаримиздандир. Дунёда муқаддас деган сўзга энг муносиб зот ҳам — Онадир. Шу босис токи ҳаёт бор экан, инсон мўътабар Она сиймоси олдида доимо бош эгиб, таъзим қилади.

Шу фурсатдан фойдаланиб, барчамизнинг кўнглимизда, дилимизда бўлган бир фикрни таъкидлаш жоиз, деб биламан.

Биз сизларни — меҳрибон ва мунис аёлларимизни ҳамisha фидойилик, вафо ва садоқат, нафосат ва латофат тисмоли сифатида улуғлаб келамиз ва умрдо сизлардан миннатдор бўлиб яшаймиз, десак, айна ҳақиқатни айтган бўламиз.

Азиз опа-сингиллар!

Сизларга яхши маълумки, мен ўзимнинг чиққиларимда, амалий ишларимда хотин-қизларни улуғлаш, уларнинг ҳаётимиздаги ўрни ва нуфузини янада ошириш масаласига жуда катта эътибор бериб келаман. Она дийримизда яшаётган барча аёлларни дунёдаги энг гўзал ва меҳрибон аёллар деб, Яратганнинг тенгсиз мўъжизаси, деб, доимо чин қалбдан, юракдан билдирадиган самимий сўзларимни юртимиз ўғлонларининг фикри сифатида, аёл зотига бўлган ҳурмат-эҳтиром ва севги ихлоси сифатида қабул қилишингизни истардим.

Мустақил тараққиёт йўлида бошимизга оғир синов ва қийинчиликлар тушган машаққатли даврда айнан сиз, аёлларнинг меҳнатқашлик ва шукроналик, чидам ва сабр-бардош каби юксак инсоний фазилатларни намойён этиб, эл-юртимизда тинчлик ва осойишталикни, жамиятимизда меҳр-оқибат ва аҳиллик муҳитини сақлаш ва мустаҳкамлашда, бугунги мана шундай ёруғ кунларга, бугун дунё тан олаётган марраларга етиб келишда сиз, азизларим беқиёс ҳиссангиз борлигини мен ҳеч қачон унутмайман ва бу ҳақда доимо миннатдорлик билан такрор ва такрор гапираришга тайёрман.

Мамлакатимизда аёлларга бўлган юксак ҳурмат-эътибор ва гамжўрликнинг амалий исботи сифатида кейинги йилларда хотин-қизларнинг жамият ҳаётидаги роли ва таъсирини кучайтириш, уларнинг ҳуқуқий, ижтимоий, иқтисодий ва маънавий манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган 80 дан ортиқ миллий ва халқаро ҳужжатлар қабул қилинганини алоҳида қайд этиш лозим.

Шулар қаторида Оила, Аёллар, Соғлом авлод, Она ва бола, Обод маҳалла, Сиҳат-саломатлик, Баркамол авлод йиллари муносабати билан қабул қилинган Давлат дастурлари, қўллаб фармон ва қарорлар айна шу мақсадларга хизмат қилмоқда.

Ана шундай ҳаракатларимизнинг яққол ифодасини ҳозирги вақтда қилишқоқ ва шарҳларимиз қиёфаси тубдан ўзгариб, юртимиз, Ватанимиз тобора чирой очиб, бозор ва дуконларимиз, дастурхонларимиз тўкин-сочин бўлиб бораётганида, айтиш керакки, аёлларимиз ўзларининг нозик елкаларида кўтариб келаётган кундалик ташвишларни енгил қилиш борасидаги ишларимизда, бир сўз билан айтганда, халқимизнинг ҳаёт фаровонлиги, турмуш маданияти юксалаётганида кўриш мумкин ва буларнинг барчаси шу заминда яшаётган ҳар бир инсонга мамнуният бағишлайди.

Бугунги кунда хотин-қизларнинг сиёсий-ижтимоий фаоллигини ошириш, уларнинг ҳокимият ва бошқарув идоралари, вакиллик органлари фаолиятида, тадбиркорлик ва фермерлик соҳасида муносиб иштирок этишини таъминлаш, ўз қобилият ва истеъдодини рўйбага чиқариши учун имкони-

ят яратиш мақсадида олиб бораётган кенг қўламли ишларимиз тобора кучайиб, ўз ҳосили ва самарасини бераётгани, айниқса, эътиборлидир.

Юртимиздаги ҳар қайси ота-она, бутун халқимизнинг эзгу ораси бўлиши ҳар томонлама соғлом наслини вояга етказишда "Соғлом она — соғлом бола" дастури доирасида барча ҳудудларимизда перинатал ва скрининг марказлари, минглаб қишлоқ врачлик пунктлари ташкил этилгани, ихтисослаштирилган шифохоналар ҳамда шошилинч тиббий ёрдам хизматида иборат замонавий тизим яратилгани аҳолиимизнинг, биринчи навбатда, аёлларимизнинг саломатлигини асраш ва мустаҳкамлаш йўлида қўйилган тарихий қадам бўлди.

Бу ҳақда гапирганда, мустақиллик йилларида оналар ва болалар ўлими 3 марта камайгани, аёлларнинг ўртача ёши 67 ёшдан 75 ёшга кўтарилгани, ҳеч шубҳасиз, айнан ана шундай амалий ҳаракатларимизнинг самараси, десак, хато бўлмайди.

Кейинги пайтда мамлакатимиз пойтахти Тошкент шаҳрида бўлиб ўтган халқаро анжуманларда соғлиқни сақлаш, оила, оналик ва болаликни ҳимоя қилиш, таълим-тарбия соҳаларида биз қўлга киритаётган улкан натижалар дунёдаги кўзга кўринган олим ва мутахассислар, нуфузли халқаро ташкилотлар томонидан юксак баҳолаб, ибрат сифатида эътироф этилгани сизларга яхши маълум, албатта. Биз эришган бундай ютуқлар негизда, аввало, сиз, жонқуяр ва фидойи опа-сингилларимизнинг билим ва тажрибаси, машаққатли меҳнати мужассам эканини барчамиз яхши биламиз ва юксак қадрлаймиз.

Хурматли ватандошлар! Ҳар қандай жамиятнинг фаровонлиги ва маънавий соғломлигининг асосий мезони, аввало, оиланинг аҳилиги, оиланинг мустақамлигида намойён бўлади.

Шу маънода, 2012 йилнинг юртимизда "Мустаҳкам оила йили" деб эълон қилиниши "Оила соғлом экан — жамият мустаҳкам, жамият мустаҳкам экан — мамлакат барқарор" деган инсонпарвар тамойилни ҳаётимизда қарор топтиради, ҳеч шубҳасиз, янги, юксак бир босқич бўлади.

Ҳаммаимизга маълумки, яқинда биз бу борада кенг миқёсдаги амалий тадбирларни ўз ичига олган Давлат дастурини тасдиқладик. Ушбу дастур ижросини таъминлаш учун 1 триллион 500 миллиард сўмга яқин ва 114 миллион доллар миқдордаги кенг қўламли маблағ йўналтириш кўзда тутилмоқда.

Бу ишларни амалга оширишда давлат ва нодавлат ташкилотлари, жамоатчилигимиз, бутун халқимизнинг фаол иштироки талаб этилишини барчамиз яхши тушунамиз. **Айни вақтда шуни алоҳида таъкидлаш керакки, оилани, ҳақиқатан ҳам, мустаҳкам оила қилиш, уни том маънода жамиятимизнинг ҳал қилувчи бўлишига айланатиришда хонадонларимизнинг чироғи, кўрки ва файзи бўлган сиз, хурматли аёлларнинг ўрни ва таъсирини ҳеч нарса билан ўлчаб, баҳолаб бўлмайди ва бу вазифаларини адо этишда мен сизларга, сизларнинг улкан салоҳиятигизга ишонаман.**

Муҳтарам юртдошлар! Биз мустақил тараққиёт йилларида — тарихан қисқа бир даврда беқиёс ютуқ ва марраларга эришдик. Биз қўлга киритган юксак натижаларни дунё тан олди. Энг муҳими — юртимизда тинчлик-осойишталик ҳим сурмоқда, иқтисодиётимиз барқарор ўсиш сурьатлари билан ривожланиб бормоқда.

Биз ўз олдимизга қўйган узок муддатли улкан мақсадлар, яъни замонавий ривожланган демократик давлатлар қаторига кириш, халқимизнинг ҳаёт даражаси ва сифатини янада яхшилаш, жаҳон ҳамжамиятида муносиб ўрин эгаллаш вазифаси барчамиздан бирдамликни, бир ёқадан бош чиқариб, ўзимизни аямасдан, астойдил меҳнат қилишни талаб этади ва бу борада мен олижаноб, бағрикенг халқимизни, сиз, муҳтарам аёлларимизни бундан буюн ҳам ўзимнинг энг яқин маслақдошим, таянчим ва суянчим, деб биламан.

Қадрили опа-сингиллар! Сизларни баҳор элчиси бўлган, ўзингиздек гўзал ва дилбар байрамингиз билан яна бир бор табриклар эканман, барчангизга сиҳат-саломатлик, бахт ва омад, хонадонларингизга файзу баракат тилайман. Фарзандларингиз ва ақилларингиз, элу юртимиз бахтига ҳамisha омон бўлинг, азизларим, меҳрибонларим!

Ислом КАРИМОВ, Ўзбекистон Республикаси Президенти.

8 март — Халқаро хотин-қизлар куни



ХОНАДОНЛАРИМИЗ ЧИРОҒИ, КЎРКИ ВА ФАЙЗИ

“Туркистон” саройида Халқаро хотин-қизлар байрами муносабати билан тантанали йиғилиш бўлиб ўтди.

Ҳар бир давлатнинг маънавий қудрати аёлларга кўрсатаётган эъоз ва эътиборида намойён бўлади. Чунончи, аёллари қадрланган юртининг фарзандлари баркамол, истиқболли ёруғдир. 2012 йилнинг “Мустаҳкам оила йили” деб номлангани, аввало, ўғил-қизларни Ватанимизга муносиб хизмат қиладиган фарзандлар этиб вояга етказишни ўзи учун олий мақсад деб билган муҳтарам онахонларга, улар тисмолида барча хотин-қизларга билдирилган юксак ишонч ва эҳтиром ифодасидир. Бугун

турли соҳаларда меҳнат қилиб, обрў-эътибор топаётган аёлларимиз сафи кенгайиб бораётгани замирида ҳам мамлакатимизда мунис опа-сингилларимизга қаратилаётган гамжўрлик мужассам.

Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида мустақилликнинг илк йилларидан хотин-қизларимизнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, саломатлигини мустаҳкамлаш, уларга муносиб шарт-шароитлар яратиш борасида амалга оширилаётган кенг қўламли ишлар самараси-

ни бугун ҳар жиҳатдан соғлом ва етук фарзандларимиз мисолида ҳам кўриш мумкин. 7 март куни пойтахтимиздаги Мустақиллик майдони ҳар қачонгидан тароватли ва кўркам қиёфа касб этди. Хотин-қизлар ташкилотлари фаоллари, иқтисодиёт, ҳуқуқ, илм-фан, таълим, маданият ва санъат соҳаларида самарали фаолият юритаётган аёлларимизнинг нафис табассури Бош майдонимизга ажиб бир латофат ва файз бағишлади. Хурриятимиз, порлоқ истиқболимиз ва

эзгу ниятларимиз рамзи — Мустақиллик ва эзгулик монументи пойига қўйилган гуллар эса бахтли хотин-қизларимизнинг шукронаси, миннатдорчилигининг яққол тасдиғи бўлди. Шунинг билан “Туркистон” саройида Халқаро хотин-қизлар куни муносабати билан тантанали йиғилиш бўлиб ўтди. Унда турли соҳаларда кўп йиллардан буюн самарали меҳнат қилаётган аёллар, нуруний онахонлару лобар қизлар, диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилар, жойлардаги хотин-

қизлар ташкилотлари, вазирлик ва идоралар, жамоат ташкилотларининг вакиллари, Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндорлари иштирок этди.

Тантанали йиғилиши Тошкент шаҳар ҳокими вазифасини бажарувчи Р. Усмонов очди.

Президентимиз Ислом Каримовнинг Ўзбекистон хотин-қизларига байрам табригини Президентнинг Давлат маслаҳатчиси Х. Султонов ўқиб эшиттирди.

(Давоми 2-бетда).

ЗУЛФИЯХОНИМНИНГ МУНОСИБ ИЗДОШЛАРИ

Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан иқтидорли қизларни аниқлаш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш мақсадида таъсис этилган Зулфия номидаги Давлат мукофоти истеъдод соҳибалари сафининг янада кенгайиши, уларни янгидан-янги иходий марралар сари руҳлантиришда муҳим омил бўлмоқда.

Тадбир

Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси томонидан 8 март — Халқаро хотин-қизлар куни муносабати билан “Обод юртининг бахтли қизлари” мавзусида ўтказилган маърифий тадбирда бу жиҳатлар яна бир бор ўз тасдиғини топди. Тошкент шаҳридаги Сингапур менежментни ривожлантириш институтида бўлиб ўтган тадбирга 2012 йилда Зулфия номидаги Давлат мукофотида лойиқ топилган қизлар, маънавият тарғиботчилари,

ўқитувчилар, талаба-ёшлар таклифи этилди.

Ўзбекистон олий ва ўрта махсус таълим вазирининг биринчи ўринбосари М. Орифжонов, халқ таълими вазирининг ўринбосари А. Холбеков, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати марказий кенгаши бошқаруви раиси Б. Фаниев, Сингапур менежментни ривожлантириш институти ректори Ф. Ризаев ва бошқалар ёшларни соғлом ва баркамол, буюк аҳдоқларимизга муносиб инсонлар этиб вояга

етказиш Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида амалга оширилаётган ислохотларнинг устувор йўналиши эканини таъкидлади. Бу жараёнда, айниқса, истеъдодли қизларни ҳар жиҳатдан рағбатлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Шу маънода, Зулфия номидаги Давлат мукофотининг таъсис этилиши адабиёт, фан, таълим, маданият, санъат каби йўналишларда изланаётган истеъдодли қизларни ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, улар фаолиятини кенг жамоатчиликка, халқимизга яқиндан таништиришда муҳим омил бўлмоқда. Мазкур мукофот соҳибалари бугун деярли барча соҳаларда самарали фаолият кўрсатмоқда.

(Давоми 2-бетда).

Тухфа

Бугун қизларни жисмоний машғулотлар билан мунтазам шуғулланишга жалб қилиш юртимизда алоҳида эътибор қаратилаётган долзарб масалалардан биридир.

БЕКЇС ҒАМХЎРЛИК НАМУНАСИ

Жорий йилнинг 10 февраль куни бўлиб ўтган Болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг Ҳомийлик кенгаши йиғилишида ҳам ёшлар, хусусан, қизларни спортга янада кўпроқ қизиқтириш, улар орасида бадий гимнастика, теннис ва сузши спорт турлари кенг омалаштириш юзасидан муҳим вазифалар белгилаб берилди.

Барча жойларда бўлгани каби айна пайтда Қорақалпоғистон Республикасида ҳам бу борадаги муҳим чора-тадбирлар изчиллик билан амалга оширилмоқда. 8 март — Халқаро хотин-қизлар куни арафасида спортчи қизлар учун Президентимиз совғаси — махсус кийим-кечаклар тарқатилганлиги бунинг амалий тасдиғидир.

Жорий йилда қорақалпоғистонлик 8097 қизга спорт кийимлари тарқатилиши кўзда тутилган. Шу муносабат билан Нукус олимпия захиралари коллежида тадбир бўлиб ўтди. Унда таъкидланганидек, мамлакатимизда спортга қаратилган эътибор самараси ўлароқ, ёшларимиз бугун жаҳон майдонларида оламшумул ютуқларни қўлга киритмоқдалар. Жойларда яратилаётган ҳавас қилса аризулик шарт-шароитлар, бири-биридан кўркам, замонавий спорт иншоотлари шижоатли ўғил-қизларимизнинг ана шундай юксак натижаларга эришишларида муҳим ўрин тутаётди.

(Давоми 2-бетда).

Бир рақам шарҳи

Ишбилармон аёлларга — молиявий кўмак

Жорий йилда тижорат банклари томонидан ишбилармон аёллар фаолиятини молиявий қўллаб-қувватлаш, оилавий бизнес ва ҳунармандчиликни ривожлантириш учун

365 миллиард сўмдан ортиқ кредитлар ажратилиши режалаштирилмоқда.

Бу борада мамлакатимизнинг чекка ҳудудларида замонавий технологияларга асосланган ишлаб чиқариш тармоқларини ташкил қилиш, хотин-қизлар учун янги иш ўринлари очиш, касб-ҳунар коллежлари битирувчилари бандлигини таъминлашга қаратилган лойиҳаларни молиялаштиришга алоҳида эътибор қаратилиши кўзда тутилаётгани, айниқса, диққатга сазовордир.

(Давоми 2-бетда).

ХОНАДОНЛАРИМИЗ ЧИРОҒИ, КЎРКИ ВА ФАЙЗИ



(Давоми. Бошланғич 1-бетда).

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Республика хотин-қизлар кўмитаси раиси Э. Боситхонова мустақил Ватанимиз тараққиётида, халқимиз эришган ҳар бир ютуқ замирида фидойи ва жонқур хотин-қизларимизга айрат-шижояти мужассамлигини, буларнинг барчаси Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида юртимиз хотин-қизларининг жамиятдаги ўрни ва мавқеини мустаҳкамлаш, эзгу интилишларини қўллаб-қувватлаш борасида амалга оширилаётган кенг қуламли ишларнинг қувончи натижалари эканини таъкидлади.

Соғлом она — соғлом бола, соғлом бола — соғлом келажак, демакдир. Мамлакатимизда бу жабҳада ҳаётга изчил татбиқ этилаётган ислохотлар асосида замонавий тиббий ускуналар билан жиҳозланган диагностика, скрининг ва перинатал марказлари қад ростлади. Юртимизнинг энг олис ҳудудларида ҳам замонавий даволаш, ташхис муассасалари, қишлоқ врачлик пунктлари фаолияти йўлга қўйилди. Умуман, бу борада эришилган салмоқли муваффақиятлар 2011 йилнинг 25-26 ноябрь кунлари Тошкентда бўлиб ўтган "Ўзбекистонда она ва бола саломатлигини муҳофаза қилишнинг миллий модели: "Соғлом

она — соғлом бола" мавзудаги халқаро симпозиумда Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти, ЮНИСЕФ ва бошқа нуфузли халқаро ташкилотлар томонидан юксак баҳоланди.

"Болаларни асрайлик" халқаро ташкилоти томонидан тузилган жаҳон рейтингда Ўзбекистон болалар саломатлигини мустаҳкамлаш борасида катта ғамхўрлик қўрсатётган энг илгор етакчи ўнта мамлакат қаторига киритилгани ҳам барчамизга чексиз ғурур ва ифтихор бағишлайди.

Юртимизда хотин-қизлар ўртасида спорт тобора оммалашиб, спортнинг қизларимизга мос турлари жадал ривожланмоқда. Сўнгги йилларда мамлакатимизда бадий гимнастика, стол тенниси ва сузиш билан шуғулланаётган қизлар сафи ортиб бормоқда. Хотин-қизлар байрами арафасида мамлакатимиз бўйлаб яна бир эзгу ташаббус қанот эзди. Яъни шу кунларда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлари ҳамда Тошкент шаҳрида спорт билан шуғулланаётган 6 ёшдан 18 ёшгача бўлган ўқувчи-қизларга Президент совғаси — спорт кийимлари топширилаётгани ҳам давлат сиёсати даражасидаги ғамхўрликнинг яна бир ёрқин исботидир.

Тадбирда Президентимиз Ислам Каримовнинг қарорига мувофиқ,

адабиёт, санъат, фан, таълим, маданият соҳаларида эришган алоҳида муваффақиятлари учун Зулфия номидаги Давлат мукофоти билан тақдирланган 14 нафар кизга ана шу юксак мукофотлар тантанали равишда топширилди.

Тантананда Зулфия номидаги Давлат мукофотининг бу йилги соҳибалари номидан сўзга чиққан — Наманган давлат университети қошидаги академик лицей ўқувчиси Мехриноз Аббосова, Тошкент тиббиёт академияси қошидаги академик лицей ўқувчиси Шохидова Зоҳидова ва бошқалар хотин-қизларнинг жамият ҳаётидаги фаоллигини янада ошириш, ёш иқтидор эгаларини қўллаб-қувватлаш борасида кўрсатаётган беқиёс эътибори ва ғамхўрлиги учун давлатимиз раҳбарига санимий миннатдорлик билдирдилар.

Кечада санъат усталари ва ёш ижрочиларнинг байрам концерти намойиш қилинди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раиси И. Собиров, Қонунчилик палатаси Спикери Д. Тошмухамедова, Ўзбекистон Республикаси Бош вазيري Ш. Мирзиёев иштирок этди.

Мақсуд ЖОНИХОНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Ҳасан ПАЙДОЕВ олган суратлар.

БЕКЎС ҒАМХЎРЛИК НАМУНАСИ

— Юртбошимиз раҳнамолигида спортга, айниқса, қизлар орасида бадий гимнастикани оммалаштиришга алоҳида эътибор қаратилиб, бу борада беқиёс ғамхўрлик кўрсатилаётганлиги бежиз эмас, — дейди Қорақалпоғистон Республикаси Бадий гимнастика федерацияси бош мураббийси Гулбаҳор Бобожонова. — Негаки, навқирон авлоднинг жисмонан соғлом, руҳан тегиқ бўлиб вояга етишида бу ўта муҳим аҳамиятга эгадир. Бугун қизларимиз ора-

тадбирлар доирасида Президентимиз совғаси касбхона коллежлари ва академик лицейларда тахсил олиш баробарида, спорт билан мунтазам шуғулланаётган қизларга, шунингдек, кам таъминланган оилалар фарзандларига ҳам топширилмоқда.

Ҳидоят АҲМЕДОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Парламент ҳаёти

Тошкентда ёнгин хавфсизлигини таъминлашнинг долзарб масалаларига бағишланган конференция ташкил этилди.

Ички ишлар вазирлиги Ёнгин хавфсизлиги бош бошқармаси, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларининг депутатлари, манфаатдор вазирлик ва идоралар, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, жамоат бирлашмалари вакиллари ҳамда сенаторлар қатнашган мазкур анжуманда

борилаётгани, хусусан, ҳар йили ёнгин хавфсизлиги ойлигининг ўтказиб келинаётгани айти мудоао бўлаётди. Ёнгин ҳодисаларни сонини қисқарттириш, бу талафотда одамлар ҳаётини қўриқтириш ва ҳалок бўлишига йўл қўймаслик чоралари қўриқмоқда, ёнгинини ўз вақтида че-

Долзарб масалага бағишланди

галаш ҳамда ўчириш, одамларни қутқариш ва моддий бойликларни, фуқаролар ҳамда ташкилотларнинг мол-мулкни сақлаб қолиш бўйича аниқ тадбирлар

бажарилаётгани ҳам айтиб ўтилди. Ёнгин хавфсизлиги бўлинулариини модернизация қилиш, техника ва технология жиҳатидан янгилаш, уларни энг замонавий технологик ускуналар билан жиҳозлаш, илм-фан ютуқлари ҳамда илгор инновация технологияларни жадал жорий этиш, юқори малакали кадрлар тайёрлашни кенгайтириш борасида қўрилатган чоралар ҳам ёнгинларга қарши муваффақиятли курашиш имконини бермоқда. Мазкур сай-ҳаракатлар самараси ўлароқ, ўтган йили ёнгинлар натижасида тан жароҳати олганлар сони 2010 йилдагига нисбатан 13,1 фоизга қисқарди.

Шунингдек, аҳолининг ҳаёти ва соғлиғини, юридик ҳамда жисмоний шахсларнинг мол-мулкни, атроф-табiiий муҳитни ёнгиндан асраш, объектларда, аҳоли пунктларида ва бошқа ҳудудларда ёнгин хавфсизлигини талаб даражасида сақлаб туриш мақсадида зарур ҳуқуқий база яратилгани ҳамда Ички ишлар вазирлиги Ёнгин хавфсизлиги давлат хизмати бўлинулариининг иш фаолиятлари Ўзбекистон Республикасининг "Ёнгин хавфсизлиги тўғрисида"ги Қонуни, Вазирлар Мақамасининг бир қатор қарорлари ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар асосида ташкил этилаётгани таъкидланди.

Конференцияда ёнгин хавфсизлигини таъминлаш соҳасида олиб борилаётган фаолият самарадорлигини ошириш зарурлиги таъкидланиб, бу борада масъул бўлган давлат ва жамоат ташкилотларининг ўзаро ҳамкорлигини қучайтиришга қаратилган аниқ тавсиялар берилди.

Қ. ХИДИРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Айниқса, Ички ишлар вазирлиги Ёнгин хавфсизлиги давлат хизмати бўлинулари томонидан мамлакатимиздаги барча корхона, идора, ташкилот ва ҳўжаликларда, фуқаролар тураржойларида мунтазам профилактика ишлари олиб

берилади. Шунингдек, аҳолининг ҳаёти ва соғлиғини, юридик ҳамда жисмоний шахсларнинг мол-мулкни, атроф-табiiий муҳитни ёнгиндан асраш, объектларда, аҳоли пунктларида ва бошқа ҳудудларда ёнгин хавфсизлигини талаб даражасида сақлаб туриш мақсадида зарур ҳуқуқий база яратилгани ҳамда Ички ишлар вазирлиги Ёнгин хавфсизлиги давлат хизмати бўлинулариининг иш фаолиятлари Ўзбекистон Республикасининг "Ёнгин хавфсизлиги тўғрисида"ги Қонуни, Вазирлар Мақамасининг бир қатор қарорлари ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар асосида ташкил этилаётгани таъкидланди.

СОҒЛОМ ФАРЗАНД, БАХТИЁР ОНА

Аёл зотига юксак эҳтиром кўрсатиш азалий қадриятларимиздан бири. Айниқса, истиқлол йилларида биз, хотин-қизлар юксак қадр топдик. Пойтахтимизнинг Бош майдонида Бахтиёр она сиймосини ифода этган муаззам ёдгорлик, унга Мустақиллик ва эзгулик монументи, деб ном берилганлиги юртимизда аёлларга, оналарга бўлган ҳурмат-эҳтиром ифодасидир.

аёллардир. Ўтган йили уларнинг барчаси тиббий қўриқдан ўтказилди ва саломатлигини тиклаши учун керакли тавсиялар берилди.

Шукрона

Фахрланасак арзийдики, мамлакатимизда хотин-қизларнинг жамиятдаги мавқеини ошириш, сиёсий-иқтисодий фаолиятини қўллаб-қувватлаш, оилани ҳам болалиқни муҳофаза қилиш масаласига давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан бири сифатида эътибор қаратилмоқда.

Шуни қайта-қайта эътироф этишни истардимки, бугун аёл меҳнати юксак қадр топапти. Эзгулик сари қўйилган ҳар бир қадам муносиб баҳоланаяпти. Ўзимдан мисол: ўтган йили Президентимиз Фармонига қўра, "Шуҳрат" медали билан тақдирландим. Бу эл саломати йўлини асраш йўлидаги хайрли ишларга кичик бўлса-да, ҳисса қўиши ниятида қилган меҳнатларимга берилган юксак баҳодир. Мазкур эҳтиром нафақат мени, балки бутун жамоамиз аъзоларини мамлакатимизда янги ҳаёт, янги жамият барпо этиш, амалга оширилаётган ислохотлар ва бунёдкорлик ишларида фаоллик кўрсатиши, соғлом ва баркамол авлодни вояга етказиш йўлида камарбаста бўлишга ундамоқда.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раиси И. Собиров, Қонунчилик палатаси Спикери Д. Тошмухамедова, Ўзбекистон Республикаси Бош вазир Ш. Мирзиёев иштирок этди.

Бундай ғамхўрликларни жамиятдаги бошқа аёллар сингари мен ҳам кундалик иш фаолиятим асосида, оилавий ҳаётим мисолида ҳам намуна сифатида эътироф этилаётди.

Ҳалима АБЕЗОВА, Хива тумани тиббиёт бирлашмасига қарашли Беруний қишлоқ врачлик пункти мудири, «Шуҳрат» медали соҳибаси.

ЗУЛФИЯХОНИМНИНГ МУНОСИБ ИЗДОШЛАРИ

(Давоми. Бошланғич 1-бетда).

Қорақалпоқ давлат университетининг педагогика факультетида жисмоний тарбия йўналиши бўйича билим олаётган Замира Алиева жорий йилда ушбу нуфузли мукофотга сазовор бўлди. Болалигидан қаратэ билан шуғулланадиган Замира 2007—2008 йилларда Малайзияда ўтган халқаро мусобақаларда икки олтин ва бир кумуш медални қўлга киритди, Италиядаги халқаро мусобақада эса кумуш ва бронза медали билан тақдирланди. Хитой, Болгария, Голландия сингари давлатларда ўтказилган халқаро мусобақаларда ҳам Замирага омад қулиб боқди.

ган ибратли ишлар ҳар бир кизни ўз саломамлиги учун масъулиятни ҳис этишига, янада фаолроқ бўлишга ундамоқда. Зулфияхоним қизлари иштирокчида Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасида ўтказилган учрашувда мамлакатимизда маънавий-маърифий соҳалардаги бемисол ислохотлар мустақил ва соғлом тафаккурли авлодни вояга етказишга йўналтирилгани таъкидланди. Ёшларда юксак маънавиятни тарбиялаш улар онгу шуурини миллий меъналикларининг учун ёт ва беғона зарарли ахборотлар оқимидан, «оммавий маданият»нинг салбий таъсиридан ҳимоялашда муҳим ўрин тутмоқда.

Тадбир қатнашчилари Президентимиз Ислам Каримов ташаббуси билан бунёд этилган замонавий «Маърифат маркази», бу ерда жойлашган Миллий кутубхонада яратилган шарт-шароитлар, имкониятлар, кўламлиликлар билан танишдилар.



Сарвар ЎРМОНОВ (ЎЗА) олган сурат.

Зулфия номидаги Давлат мукофотининг жорий йилги соҳибаларидан яна бири Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти қошидаги академик лицейнинг 3-курс ўқувчиси Муҳайё Аҳмадова. У 2011 йили Голландиянинг Амстердам шаҳрида математика фани бўйича бўлиб ўтган 52-халқаро олимпиадада махсус сертификатни қўлга киритди.

— Алишер Навоий номидаги Миллий кутубхона ҳамда Симпозиумлар саройини ўзида мужассам этган бундай мухташам «Маърифат маркази»нинг қад ростлаши илм-фан, таълим-тарбия, маънавият соҳаси фидойилари, ай-

ниқса, биз, ёшлар учун Президентимиз томонидан яратилаётган улкан имкониятларнинг амалдаги ифодасидир, — дейди М. Аҳмадова. — Юртимизда бошқа соҳалар билан бир қаторда аниқ фанлар, инновация, ахборот-коммуникация технологиялари ҳам жадал ривожланмоқда.

Тадбир қатнашчилари шоира Зулфияхоним ҳайкали пойига гуллар қўйдилар. Анжуманда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Республика хотин-қизлар кўмитаси раиси Э. Боситхонова сўзга чиқди.

Назоқат УСМОНОВА, ЎЗА мухбири.

қилаётган хотин-қизларнинг меҳнати юксак қадрланиб, доимий эътибор ва ғамхўрликлар қўрсатиб келинмоқда. Барча соҳада бўлгани каби ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларида ҳам аёлларга муносиб шарт-шароит ярати берилмоқда. Уларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш, иқтидор ва интилишларини рўёбга чиқариш бўйича турли ташаббуслар амалга оширилаяпти.

Тадбирда танқили санъаткорлар иштирокида байрам концерти намойиш этилди.

Д. СОДИҚОВ.

Дил сўзи

Аёллари эъзозланган, қадрланаётган юрда яшаймиз. Ҳар бир соҳада хотин-қизларга кўрсатилаётган эҳтиром ва эътиборни қўриб турибмиз. 2012 йилнинг "Мустаҳкам оила йили" деб номлангани ҳам, аввало, нозик ҳилқат вакилларига бўлган ишонч ва ҳурмат туфайлидир.

Қаддимиз тик, қадримиз баланд

Зеро, юртимизда оила институтини янада мустаҳкамлаш ва раванқ топтириш, хусусан, ёш оилаларни ҳар томонлама ҳимоя қилиш ва қўллаб-қувватлаш борасидаги юмушлар янги босқичга кўтарилаяпти. Давлат ва жамиятнинг оилага ғамхўрлиги кучаймоқда. Бунинг ўндан зиёд миллат вакиллари тинч-тотув яшаётган маҳалламиз мисолида ҳам қўриш мумкин.

Бундан етти йил муқаддам ҳудудимизда ижтимоий ҳимояга эҳтиёжманд ўттизга яқин оила бор эди. Маҳалламиз фаоллари шу оила вакиллари бандлигини таъминлаш, ёш оилаларга зарур қўмак бериш, уларнинг ташвишларини енгиллатиш йўлида самарали иш олиб боришди. Дейлик, Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи қошида ташкил этилган касаначилик марказида ўттиз нафардан зиёд маҳалладош хотин-қиз ишлай бошладилар. Бир қатор оилалар ўз бизнесларини йўлга қўйиб, иссиқхона ҳўжалиги барпо этишди, паррандачилик, асарларчилик билан шуғулланишга киришдилар. Машиий хизмат шохобчалари очилгани ҳам қутулган натижани берди. Айни дамда ҳудудимизда ижтимоий ҳимояга муҳтож бирорта ҳам оила йўқ.

Қизларни ҳаётга тайёрлаш, ёш оилаларнинг тинч-тотувлигини таъминлашда жамоатчилик назоратидан ҳам оқилона фойдаланаямиз. 2007 йилда "Маҳалла тарихини ўрганиш", 2008 йилда "Ёш оилаларни ижтимоий қўллаб-қувватлайдиган энг намунали маҳалла", 2010 йилда "Энг намунали милиция таънч пункти" республика кўрик-танловларида голиб чиққанамиз ҳам бежиз эмас. Бироқ бизнинг бу ютуқлар билангина кифояланмай қилиш ниятимиз йўқ.

"Мустаҳкам оила йили" Давлат дастурида маҳалланинг мавқеини янада кучайтириш, ёш оилаларни қўллаб-қувватлашда унинг таъсирчанлигини ошириш каби долзарб вазифалар устувор йўналишлар сирасига киритилган. Бу биз, маҳалла фаоллари зиммасига жуда катта масъулият юклайди. Мустаҳкам оила йилида ушбу вазифаларни адо этиш йўлида ўз тажрибамиз, билимимиз ва куч-ғайратимизни аямаймиз.

Жумагул АБДУЖАЛИЛОВА, Коровулзор туманидаги «Ал-Бухорий» маҳалла фуқаролар йиғини раиси.

Эъзоз

Халқаро хотин-қизлар куни муносабати билан Ички ишлар вазирлиги Маданият саройида байрам тадбири ўтказилди. Унда мазкур тизимда фаолият юритаётган хотин-қизлар ва масъул ходимлар иштирок этди.

Эҳтиром кўрсатилди

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси ички ишлари вазири, генерал-лейтенант Б. Матлюбов мамлакатимизда Президентимиз раҳнамолигида инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя

қилиш, айниқса, аёлларимизнинг жамиятдаги мавқеини ошириш, уларга эҳтиром кўрсатиш борасида кенг қамровли ислохотлар амалга оширилаётганини таъкидлади. Хусусан, ички ишлар тизимида хизмат

«Энг яхши тадбиркор аёл лойиҳаси» голиблари аниқланди

Бугунги кунда мамлакатимизнинг ҳар бир ҳудудида аҳоли учун сифатли ва замонавий банк хизматларини кўрсатиш, янги иш ўринлари ташкил қилиш, юртдошларимизнинг даромадларини ошириш, шунингдек, иқтисодиётнинг барча тармоқларини молиялаштиришда банк тизимининг роли тобора ошмоқда. Хусусан, "Асака" давлат-акциядорлик тижорат банки бу жараёнларда фаол иштирок этаётди.

Танлов

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини молиявий қўллаб-қувватлаш мақсадида мазкур муассаса томонидан, жумладан, 2011 йил давомида иқтисодиётнинг турли соҳаларига 454,5 млрд. сўм миқдоридан кредит маблағлари ажратилди. Бунинг натижасида 13 мингдан зиёд янги иш ўринлари яратилди. Эътиборли жиҳати, тадбиркор аёлларга ишлаб чиқаришни модернизация

қилиш ва технологик янгилаш, замонавий инновация лойиҳаларини жорий этиш ва бошқа йўналишлар учун берилган кредитларнинг умумий ҳажми 34,7 млрд. сўмни ташкил этди. Шунинг ҳисобига 700 дан ортиқ киши иш билан таъминланди.

Шу билан бирга, жорий йилнинг январь-февраль ойларида банк томонидан тадбиркор аёлларга 6,3 млрд. сўм миқдоридан кредит ажра-

тилиб, бунинг эвазига 200 та иш ўрни ташкил этилди.

Маълумки, Президентимизнинг ташаббуси билан 2012 йил республика миқолида "Мустаҳкам оила йили" деб эълон қилинди. Шу муносабат билан "Асака" банки ҳам тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш юзасидан бир қатор тадбирларни амалга оширмоқда.

Жорий йилнинг дастлабки икки

ойида тадбиркор аёллар ўртасида ўтказилган "Энг яхши тадбиркор аёл лойиҳаси" танлови — шулардан бири.

Ушбу танлов шартлари оммавий ахборот воситаларида эълон қилинганидан хабардорсиз. Танловда иштирок этиш учун банкнинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлари ва Тошкент шаҳри филиалларига тадбиркорлик субъектлари томонидан кўплаб лойиҳалар тақдим этилди.

Банкнинг бош офисидан тузилган ишчи гуруҳи улар орасидан совринли ўринларга муносибларини танлаб олди. Бунда асосий эътибор тақдим этилган лойиҳалар бўйича яратилаётган янги иш ўринлари сонига, шунинг-

дек, сифатли ва рақобатбардор озик-овқат маҳсулотлари ҳамда маҳаллий ноозиқ-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқаришни кенгайтиришга йўналтирилган лойиҳаларга қаратилди.

Танлов якунларига кўра, қуйидагилар голиб, деб топилди:

- 1-ўрин — "Асака" банкнинг Сирдарё вилояти филиали миждози бўлган "Насли кумуш курка" фермер ҳўжалиги лойиҳаси;
- 2-ўрин — "Асака" банкнинг Наманган вилояти филиали миждози — "Asl tekstil liboslarl" МЧЖ лойиҳаси;
- 3-ўрин — "Асака" банкнинг Навоий вилояти филиали миждози — ЯТТ "Жўраева Нилуфар Бахшуллаевна" лойиҳаси.

Ғолиблар имтиёзли шартларда кредит олиш ҳуқуқини берувчи сертификат ва қимматбаҳо совгалар билан тақдирландилар.

Банк ахборот хизмати.

«Баҳор вернисажи»

Ўзбекистон Бадий академияси Марказий кўرғазмалар залида 8 март — Халқаро хотин-қизлар кўнига бағишлаб «Баҳор вернисажи» деб номланган бадий кўрғазма ташкил этилди.

Кўрғазма

Унда Нодира Орипова, Назира Қўзиева, Людмила Содиқова, Искра Шин сингари истеъдодли ёш rassomларнинг рангтаъбир, графика, ҳайкалтарошлик ва амалий безак санъати йўналишидаги икки юздан зиёд асарлари ўрин олган. Мазкур кўрғазма мунаввир опа-сингилларимизнинг байрамона ижодий гулдастаси, дейиш мумкин. Асарларда табиатнинг гўзал манзаралари, икклиматий ҳаётимизнинг барча жабҳаларида фидойилик кўрсатган хотин-қизларимиз сиймоси ёрқин рангларда акс эттирилган.

Суннат АСТАНОВ.

Хайрат

Чиннигул момо қишлоғимиз кайвониси. Кўзлари ўткир. Игнадан ипни ҳалиям ўзи ўтказди. Хотираси тиниқ. Қариндошлари тугул бошқа қавмларнинг ҳам шажарасини англишмай айтиб бера олади. Бу йил саксон уч ёшни тўлдираётти, бўлмасам.

Бекор ўтирмайди. Урқуқ йиғиради. Келинлари, неваларига чопон қапишни, тўнга чироз солишни ўргатади. Ва ҳар йили Наврўз арафасида катта қозонда сумалак осади.

Чиннигул момонинг Нарғиз исмли невараси — қақажон қизалоқ. Шу Наврўзда у беш ёшни тўлдиради. Бирам қизиқувчан. Мактабда ўқийдиган опаларининг китоблари қўлидан тушмайди. Уларнинг оғзидан бир эшитса бўлди — айтган шеърларини ёдлаб олади. Ҳалитдан инглизча-лаб бирдан юзгача санайди. «Кимнинг қизисан?» деб сўраганларга «Президентимизнинг, дадам ва аямларнинг қизи бўлман», деб жавоб қилади. «Мен қачон мактабга бораман?» деб ўқитувчи бўлиб ишлайдиган ажонига хархаша қилади. Нарғиза ҳаммадан ҳам кўра момосини яхши кўради. — Сизнинг исмингиз чиройли — Чиннигул. Менинг ҳам отимни Чиннигул қўйсангиз экан, — дейди момосига.

Наврўз момонинг невараси



...Момо кўшни аёлларни уйига чорлайди-да, ҳафта бурун ундириб қўйган ва уст қисми зангори рангда майсалаб қолган бугдойни чигирқидан ўтказди. Ҳосил бўлган масаллиқни илқ сувга чаяди. Чайиндини мотлар ширин сув, шакар сув, деб атаганлари Нарғизанинг қулоғига чалинади. — Сувга шакар қўшилмади-ку. Қанақасига у ширин бўлсин? — деб сўрайди зук-ко қиз.

— Шакарни Наврўз момонг қўшиб қўйибди. Хали кўрасан, бу сувга пишган сумалак асалдан ҳам ширин бўлади, — дейди момоси. Йигитлар ҳовлининг бир

четида катта қозонга мўлжаллаб ўчоқ ўядилар. Утин-пайраҳани ўчоқ бошига олиб келдилар. Осилган қозонга уч қилоча мой солинади. Ири-мига яраша деб, мойга нонга ўхшатиб ясалган ҳамир пишириб олинади. Сумалакнинг мойи шу йўсинда доғланади. Шундан сўнг қозонга ун ташланади. Унинг устидан ҳалиги ширин сув қўйилиб қориштирилади. Мўл-қўл ўтин тушган ўчоқнинг олови гуриллаб ёна бошлайди. Сувини торгани сайин қозонга ширин сувдан қўйиб турилади. Олдинга оқариб турган масаллик оч малла ранга кириб қайнай бошлайди. — Нега сумалакни ҳам-

ша кундуз кун эмас, кечаси пиширасизлар? — деб сўраб қолади Нарғиза яна момосидан. — Бунинг маъноси бор, — дейди момоси дастаси узун қапқирни қозонда айлантириб:

— Наврўз момо бошқа пайти эмас, айни тонг саҳарда қозон бошига келлади, болам. Наврўз момо тотиб кўрганидан сўнг сумалакка таъм, хушбўй ҳид инади. Сумалак асли Наврўз момонинг таоми, болам.

— Қандай яхши, — деб қувониб кетади қизалоқ. — Айтганингиз рост бўлса, мен ҳам тонгга қадар ухламайман. Наврўз момони кутаман. Уни ўз кўзим билан кўрсам, ажойиб-ку.

Боботонинг қирра чўққисидан ўрмалаб бундан беш кун аввал шом еган ой чиқади. Ҳалигина қоронғи тун кўйинида торикчи турган

борлиқ қумушранга кириб жилланади. Кўп ўтмай ой ва юлдузлар сумалакка қўшилиб, қоришиб қайнаётгандай кўринади. Момоси айтиб турган эртақ Нарғизанинг қулоғига алла бўлиб эшитила боради. Қозон бошидаги тўшамчида кўзи илинган неварани момо секин оқичлаб ўрнига элтади. Нарғиза кўш чиққандан сўнг уйғонади. — Наврўз момо келиб кетдими? Мени уйотмаб-сизлар. Бугун яна сумалак осасизлар. Мен Наврўз момони кўришим керак, — деб гинахонлик қилади.

Аразлари ўзига ярашган жажжи неварасини Чиннигул момо ўпиб, эрқалаб бағрига босади.

— Наврўз момо деганлари, кўзичоғим, мен — ўзимман-ку. Сени ташлаб ҳеч қаёққа кетмайман. Доимо ёнингданман. Сенинг бахтинг, камолинг учун яшайман. Сен борсанки, мен қаримайман, — деб неварасининг атрофида гиргиттон бўлади.

...Дастурхона тортилган, ҳали ҳовури босилмаган қирмизи сумалакка биринчи бўлиб Чиннигул момо кўл узатади...

Олимжон УСАНОВ, «Халқ сўзи» муҳбири.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси илмий муассасалари фаолиятини такомиллаштириш ва уларнинг тузилмаларини янада оптималлаштириш чора-тадбирлари тўрисида»ги 33-сонли қарори ҳамда Қишлоқ ва сув ҳўжалиги вазирлигининг 2012 йил 11 февралдаги 27-сонли қарорига асосан,

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Сув муаммолари институти Қишлоқ ва сув ҳўжалиги вазирлиги тасарруфидаги САНИИРИ илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасига қўшилиб, уларнинг негизида

Тошкент ирригация ва мелиорация институти қошида Ирригация ва сув муаммолари илмий-тадқиқот институти

ташкил этилганини маълум қилди.

Манзил: 100187, Тошкент ш., Қорасув-4 мавзеси, 11-уй. Телефон: (8-371) 265-32-41.

ХОРАЗМ ВИЛОЯТИ БОЖХОНА БОШҚАРМАСИ

Ҳазорасп тумани, Питнак шаҳри, Охунбобоев маҳалласида жойлашган «Дўстлик» чегара божхона постида қурилиш-монтаж ишларини бажариш учун лойиҳа-смета ҳужжатларини тайёрлаш бўйича танлов эълон қилади.

Тақлифлар эълон чоп этилган санадан бошлаб 30 кун ичида қабул қилинади.

Манзил: Хоразм вилояти, Урганч шаҳри, Жалолдин Мангуберди кўчаси, 95-уй, Хоразм вилояти божхона бошқармаси биноси. Телефон: (8-362) 226-93-61. Факс: (8-362) 226-98-22. Ички телефон: 24-02.

Реклама ва эълонлар

«АСАКА» банки (ОАЖ) жамоаси сизларни 8 март — Халқаро хотин-қизлар кўни билан табриклайди ва қуйидаги миллий валютадаги муддатли янги омонат турини таклиф этади. «БАҲОР» Сақланиш муддати — 8 ой. Фоишлар олдиндан ёки омонат муддати тугаганидан (8 ойдан) сўнг берилади. Ушбу омонат турини банкнинг барча филиалларида очиш мумкин. Мурожаат учун телефонлар: (8-371) 120-39-81, 120-39-60, 120-39-63.

«КО'СНМАС MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ Самарқанд вилояти филиали бошланғич баҳоси бошқичма-бошқич охиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади! Аукцион савдосига бошланғич баҳоси 10 фоиш арзонлаштирилган нархларда қуйидаги мулклар такроран қўйилмоқда: I. Самарқанд шаҳар СИБ томонидан, ЖИБ Тошкент шаҳар судининг 2010 йил 26 апрелдаги ЖСК-1/17-2010-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Самарқанд шаҳри, «Боғишмол Фароч» боғдорлик уюшмаси ҳудудида жойлашган икки қаватли дала ҳовли биноси. Бошланғич баҳоси — 223 548 660 сўм.

«КО'СНМАС MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ Сирдарё вилояти филиали бошланғич баҳоси бошқичма-бошқич охиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади! Аукцион савдосига Гулистон шаҳар СИБ томонидан, Сирдарё вилояти ҳўжалик судининг 2011 йил 5 сентябрдаги 12-1103/5007-сонли ажрими ва 2011 йил 12 сентябрдаги 12-1103/5007(11)-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Гулистон шаҳри, 1-мавзе, Ш. Рашидов кўчасида жойлашган, умумий фойдаланиш майдони 597,24 кв.м., умумий қурилиш майдони 271,86 кв.м.дан иборат савдо дўкони биноси қўйилмоқда. Бошланғич баҳоси — 261 973 777 сўм.

«КО'СНМАС MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ Қашқадарё вилояти филиали бошланғич баҳоси бошқичма-бошқич охиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади! I. Аукцион савдосига Қарши тумани СИБ томонидан, Қашқадарё вилояти ҳўжалик судининг 2011 йил 25 мартдаги 18-1104/2993-сонли ва 2010 йил 12 апрелдаги 18-01004/4788-сонли ижро варақаларига асосан хатланган, Қарши тумани, «Нукработ» ҚФЙ, Ҳожижидир қишлоғи ҳудудида жойлашган, Қарши тумани «Халил бобо катта дарвозаси» фермер ҳўжалиги балансидаги, умумий ер майдони 98884,46 кв.м., қурилиш майдони 9276,91 кв.м. бўлган қорвачилик (молхона) мажмуаси такроран қўйилмоқда. Бошланғич баҳоси — 515 748 000 сўм.

«КО'СНМАС MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ Қашқадарё вилояти филиали бошланғич баҳоси бошқичма-бошқич охиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади! I. Аукцион савдосига Қарши тумани СИБ томонидан, Қашқадарё вилояти ҳўжалик судининг 2011 йил 9 сентябрдаги 1-8858/11-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Қарши — Бешкент йўли 3 км.да жойлашган «Туркистон Файзли Оромгоҳи» МЧЖ ва қўшимча 2 қаватли, умумий фойдаланиш майдони — 294,38 кв.м., қурилиш майдони — 265,53 кв.м., 16 хонадан иборат (қоровулхона, ҳовли, девор, темир дарвоза, темир эшик, темир-бетон панелли девор) ошхона биноси қўйилмоқда. Бошланғич баҳоси — 125 000 000 сўм.

«КО'СНМАС MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ сизларга мулкчилик шаклидан қатъи назар, барча турдаги кўчас мулкларини, хусусан, ишлаб чиқаришга доир бино-иншоотлар ва тураржой биноларини оммавий савдога чиқаришда маслаҳат-консалтинг хизматларини кўрсатида ҳамда савдоларни қўниунги ва сифатли ташкил этишда амалий ёрдам беради. Кўрсатилаётган хизматлар «КО'СНМАС MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖнинг кўл йиллик таърибига эга, малакали мутахассислари томонидан амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш масалалари қўмитаси Қўмита аъзоси Т. Т. Тошбобоева онаси ТУРДИХОН ЯНИНГ вафоти муносабати билан ҳамдардлик изҳор этади. Тошкент давлат юридик институти жамоаси 2-ўқуқ факультети декани ўринбосари, Маъмурий ва молиявий ҳуқуқ кафедрасининг катта ўқитувчиси Фазилда Самигжоновна падали бузуковри Рафат САМИГЖОНОВНИНГ вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади. «Ипотека-банк» акциядорлик тижорат ипотека банки жамоаси Информацион технологиялар бошқармаси бошлиги Дилшод Икромовга падали бузуковри ШУҲРАТ ОТТАНИНГ вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Қадрли аёллар!

«ЎЗБЕКНЕФТГАЗ»

МИЛЛИЙ ХОЛДИНГ КОМПАНИЯСИ ЖАМОАСИ

*Сизларни баҳор, нўзаллик
ва нафосат байрами билан
самимий қутлайди!*

*Ҳар бир кун сизларга бахт,
омад, қувонғ олиб келсин!*

*Байрамингиз
муборақ бўлсин!*





TURKISTON BANK

ЖАМОАСИ

юртимиз аёлларини баҳорини илк айёми ~

8 ~ *Халқаро хотин-қизлар кун*
март билан муборақбод этади!

*Ўйимиз фаришаси, хонадонимиз
бекалари ҳаммиса соғ-саломат бўлишсин.*

*Зеро, аёл борки, олам
мунаввар!*



**Кўчмас мулк сотишни ёки
сотиб олишни хоҳлайсизми?**

**Бу борада ишончли ҳамкор
излаясизми?**

**Унда шошилиб
таваккал қилманг.**

**Акс ҳолда, вақтингиз ҳамда
нақдингизни беҳудага
совуришингиз мумкин.**

Кўчмас мулк бозорида 1-сонли риэлторлик лицензиясига эга бўлган «KUCHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ сизга кўчмас мулк, хусусан, ишлаб чиқаришга доир бино-иншоотлар ҳамда тураржой биноларини сотиш ва сотиб олишда ишончли хизмат кўрсатади.

Бунинг учун жамиятимиз юқори малакали мутахассисларининг (+99890) 998-62-72, 977-82-55, 977-77-85 телефонларига кўнгирак қилинг ва улар билан тўғридан-тўғри боғланинг. Кўчмас мулкнинг оммавий тарзда ўтказиладиган савдоларда шаклланган ҳақиқий нархлар билан таққосланган ҳолда, республика миқёсида тарғиб этилиб, энг юқори нархда сотилиши кафолатланади.

Маслаҳат ва консалтинг хизматлари қонунчиликда белгиланган тартибда, шартномалар асосида амалга оширилади.

«KUCHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ томонидан кўрсатиладиган хизматлар сифати, қулайлиги ва арзонлиги билан сизни, албатта, қувонтиради.

Унутманг!

**«KUCHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ кўчмас мулк
бозорида энг биринчи ва энг ишончли ҳамкордир.**

Лицензия: RR-0001

Мурожаат қилинг ва барака топинг!

«Халқ сўзи»нинг навбатдаги сони 10 март, шанба кун чикади.

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси
Қонуночилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан
руйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 354. 106 617 нусхада босилди,
ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.



ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 233-52-55;
Котибият 233-10-28; Эълонлар 232-11-15.



Тахририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва
муаллифга қайтарилмайди.
Реклама материаллари учун тахририят жавобгар эмас.

Газета тахририят компьютер марказида терилди
ҳамда операторлар Ж. Тоғоев ва М. Бегмуратов
томонидан саҳифаланди.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — А. Оринов.
Навбатчи муҳаррир — М. Жониҳонов.
Навбатчи — Ф. Абилов.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон»
кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 21.15 Топширилди — 22.00 1 2 3 4 5